Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 10 ноябрь, № 237 (7739) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтадиган мажлисида иштирок этади.

Россия раислигида ўтказиладиган ушбу учрашув кун тартибидан янги глобал хатар ва таҳдидларнинг кучайиши шароитида ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегацияларининг раҳбарлари устувор йўналишларда кўп томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, уларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қиладилар, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам саммит иштирокчиларига видеомурожаат йўллаши кутилмоқда.

Мажлис якунида ШҲТ доирасида, шу жумладан, хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий кооперация, рақамли технологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш, эпидемияларга қарши самарали курашиш ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган Москва декларацияси ва ҳужжатлар тўпламининг қабул қилиниши режалаштирилган.

ЎзА.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН, МИНТАҚАВИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари ҳинд экспертлари нигоҳида.

Мамлакатимизнинг Деҳли шаҳридаги элчихонаси томонидан Жавоҳарлал Неру университети билан ҳамкорликда "Замонавий Ўзбекистон, минтақавий ташқи сиёсат, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари" мавзуида вебинар ташкил этилди.

Онлайн-тадбирда Жавоҳарлал Неру университетининг Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази тадқиқотчилари, олий ўқув юрти ўқитувчи ҳамда талабалари қатнашди.

«Халқ сўзи» учун махсус

Вебинар аввалида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган мамлакатни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ташқи сиёсат йўналишида эришилган ютуқлар, ўзбек — ҳинд муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболдаги салоҳияти ҳақида батафсил маъруза тақдим этилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг замонавий минтақавий ташқи сиёсати ва унинг Марказий Осиё давлатлари умумий тараққиётидаги роли, бу борада эришилган амалий натижалар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар ҳақида сўз юритилди.

Вебинар давомида университетнинг Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази профессор ҳамда таҳлилчилари сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Рашмини КОПАРКАР, Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази доценти:

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар, хусусан, сиёсий ҳамда маданий йўналишларда, доимо яқин бўлиб келган бўлса-да, тан олиш лозимки, иқтисодий соҳада томонлар ўртасидаги мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаётган эди.

Сўнгги икки йилдан ошиқ вақт давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, жумладан, савдо ва инвестиция йўналишларида ҳам ўта юқори суръатлар билан ривожлана бошлади. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини илгари суриш ташаббуси, бу борада қўйилган қатъий амалий қадамлар, хусусан, қисқа вақт ичида Ҳиндистонга амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар ҳисобланади. Ушбу олий даражадаги мулоқотлар, шубҳасиз, мамлакатларимизни янада яқинлаштирди, ҳинд ишбилармон доиралари вакилларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кескин ошишига замин яратди.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликдир. 2019 йил сўнгида томонларнинг тегишли вазирликлари ўртасида трансмиллий уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Икки мамлакат тарихида биринчи марта ҳарбийлар ўртасида қўшма ўқув машғулотлари ташкил этилгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Мамлакатларимизда уюштирилаётган маданий, ҳунармандчилик, туризм ва бошқа йўналишлардаги тадбирларда икки давлат вакилларининг фаол иштироки маданий-гуманитар соҳада ҳам ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд эканини кўрсатди.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим деб ҳисоблайман.

Биринчидан, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни муҳимдир. Ҳар икки мамлакатда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Таҳлилчи сифатида ва умуман, ҳиндистонлик ёшларнинг вакили сифатида, Ўзбекистонда ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган самарали чора-тадбирларни яқиндан ўрганиб бораман.

2

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

"Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасидан.

МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда ҳар қайси хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан қўлга киритган мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган.

Бинобарин, мулкнинг эгаси бўлса, меҳнат унумдорлиги бир неча маротаба ортади. Мулкдорнинг кайфияти, интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкига мулк қўшишга ҳаракат қилади. Чунки улар жамиятдаги ўзгаришларга бевосита дахлдор бўлган қатламдир.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминламасдан иқтисодий ривожланишга эришиш қийин. Бу Асосий Қонунимизда ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу меъёр мамлакатимизнинг бошқа бир қатор қонунларида ҳам акс этган. Хусусан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмаслиги назарда тутилган. Шунингдек, мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон аҳолиси қонунчиликда белгиланган меъёрларга амал қилишлари шарт. Бироқ баъзи ҳудудларда қабул қилинаётган қонунларга риоя этмаслик ҳолатлари, афсуски, учраб турибди. Шу сабабли аҳоли ва тадбиркорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни ўрганиш мақсадида партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, улар жойларда конституциявий норма ва амалдаги қонун талаблари доирасида снос масалаларини атрофлича ўрганмоқда. Мавжуд масалалар халқ депутатлари вилоят Кенгашлари билан ҳамкорликда таҳлил этилаётгани жойларда ноқонуний бузилишлар ва аҳолининг бу борадаги мулкий ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олишга хизмат қилаётир.

2

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Т. Норбоева олиб борган йиғилишда сенаторлар, кенгаш аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Республика кенгаши йиғилиши

Таъкидланганидек, бугун Ўзбекистон халқаро ҳамжамият, хусусан, кўплаб рейтинг агентликларининг нигоҳида турибди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар улар томонидан баҳоланмоқда.

Куни кеча "Гэллап" ("Gallup") халқаро тадқиқот институтининг "Глобал қонун ва тартиб" бўйича йиллик бутунжаҳон рейтинги эълон қилинди. Ушбу рейтингда 100 баллдан 92 балл тўплаб, Ўзбекистон дунёда хавфсизлик даражаси бўйича етакчи тўққиз мамлакат сафидан ўрин олди.

Қолаверса, Рақобатбардош саноат унумдорлиги, Глобал инновациялар, Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун тартибга солувчи чекловлар индексларида мамлакатимиз илк маротаба эътироф этилди. Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг 2019 йил якунлари бўйича эълон қилинган ҳисоботида эса Ўзбекистон барча 6 та таркибий индикатор бўйича ўсишга эришгани таъкидланган.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича 2020 йил III чорақда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги кенгаш ишчи органлари — молия вазири Т. Ишметовнинг ҳамда адлия вазири Р. Давлетовнинг ахборотлари эшитилди.

Бундан ташқари, вазирлик ва идоралар масъул бўлган айрим таркибий индикаторлар бўйича мамлакатимиз рейтингги паст кўрсаткичларда қолиб кетаётгани, уларни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар самарасиз бўлаётганлиги танқид қилинди. Айни чоғда алоҳида халқаро рейтинглар бириктирилган тадқиқот институтлари фаолияти танқидий муҳокама қилинди.

Хусусан, халқаро рейтинглар методологик ва бошқа таркибий қисмларини қонунчиликка имплементация қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича эксперт-таҳлил қилиш вазифалари бажарилмаётгани айтилди.

2

«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»:

ЖАҲОН САҲНАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР СОДИР БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА?

Таҳлил

Глобаллашув ва интеграция жараёнларининг ривожланиши

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларининг авж олиши давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг кенгайишига олиб келди. Ушбу жараён, биринчидан, транспорт коммуникациялари тизимини ривожлантириш, шунингдек, янги, арзон ва қисқа трансконтинентал транзит коридорларини шакллантиришни талаб этаётган бўлса, иккинчидан, минтақа мамлакатларининг жаҳон транспорт тизими билан туташувчи транспорт соҳасини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда.

Айни дамда, кўплаб давлат раҳбарлари томонидан транспорт лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ташаббуслар илгари сурилаётган бўлиб, муҳим лойиҳалардан бири сифатида Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган ҳаракатларни ҳам қайд этиш жоиз. Мазкур йўналишда биргина Хитой томонидан "Бир макон, бир йўл" глобал транспорт коридорларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки босқичда 900 милиард АҚШ долларидан зиёд маблағни ажратиш режалаштирилаётганлигини таъкидлаш ўринли. Бу каби транспорт коридорларининг ишга тушиши халқаро ташувларда ҳам вақт, ҳам ортиқча харажатлар тежалишига олиб келади.

Маълумки, Хитой 2013 йилда Евроосиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида "Бир макон, бир йўл" деб номланган иқтисодий тараққиётнинг янги стратегиясини эълон қилди. Кўп асрлик Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасидаги бу ғоя ХХР Раиси Си Цзиньпин томонидан 2013 йилнинг 7 сентябрь куни илгари сурилган эди. Орадан бир ой ўтиб, у Индонезия парламентида сўзлаган нутқида XXI асрнинг Буюк Ипак йўли ҳақидаги фикрларини такрорлади.

Соҳа равнақи йўлида амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар

Жаҳон амалиётида транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган махсус тадқиқот марказлари ташкил этилган ва ушбу йўналишдаги муаммоларнинг илмий ечимини топишга бағишланган мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган давлатлар учун муқобил бўлган арзон ва қисқа транспорт коридорларини яратиш, мультимодал транспорт коридорларидан фойдаланишни ривожлантириш, замонавий ва қулай транспорт-логистика хизматларини жорий этиш, товар таннархида транспорт харажатларини қисқартириш каби масалаларга кенг илмий доиралар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, интеграцион жараёнларнинг тобора чуқурлашиши ва халқаро савдо самарадорлигининг транспорт логистикасига боғланиб қолиши мамлакатларнинг бир лойиҳа остида бирлашиш заруриятини келтириб чиқарди.

4

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ТИББИЁТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 6 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид саъй-ҳаракатлар атрофлича таҳлил этилиб, ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилиш мазкур вазифалар ижросини таъминлашда парламентнинг иштироки масалаларига бағишланди.

Парламент қуйи палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасида юзага келган хато-камчиликлар таҳлил ва танқид қилиниб, муаммолар ечими аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилганини, бу, ўз навбатида, парламент аъзоларига ҳам алоҳида масъулият юклашини қайд этди.

Йиғилишда бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасига оид амалдаги қонунларни чуқур ҳатловдан ўтказиш масаласига тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, ҳар бир қонунда профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш масаласига аҳамият қаратиш, профилактик тадбирлар қаерда, қачон ўтказилишини, бунинг учун кимлар масъул эканлигини, молиявий манбаларини аниқ белгилаш зарур.

2

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ВА ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Президентимиз раислигида 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Муносабат

Хусусан, шифокор ҳамда ҳамшираларга замонавий имкониятлар яратилмагани боис соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, бу эса беморларнинг тўғридан-тўғри марказий шифохоналарга боришига сабаб бўлаётгани таъкидланди.

Бунинг сабаблари ҳақида фикр юритганда, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар бир ҳудуддаги касалликлар таркибига қараб, ихтисослаштирилган даволаш муассасалари ташкил этиш зарурияти пайдо бўляпти. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўхталиб, Фарғона ва Сирдарёда нафас йўллари, Қашқадарёда эндокринологик, Тошкент шаҳрида ошқозон-ичак, Андижонда юрак-қон томир, Қорақалпоғистон ва Хоразмда буйрак касалликлари энг кўп қайд этилгани боис ҳудудларда соҳаларга қараб хорижий клиникалар филиалларини ташкил қилиш, бунда хусусий секторни кенг жалб этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

2

Дил сўзи

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимизнинг Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан байрам табриги соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига катта қувонч ва фахр-ифтихор бағишлади. Шу билан бирга, 6 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизимни комплекс ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар уларнинг масъулиятини янада ошириб, шарафли бурчини сидқидилдан бажаришга, изланишга ундади.

Буни соҳа вакиллари фикр-мулоҳазаларидан ҳам англаш мумкин.

3-саҳифага қаранг.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 10 ноябрь

МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Демак, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш ҳар доим ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолиши керак.

Шу нуқтаи назардан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний ҳамда амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш йўлида қатъий тартиб ўрнатилди.

Аҳамиятлиси, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили амал қилмоқда. Қонун ҳужжатларида ушбу фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига ҳал этилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш давлат сиёсатига тўсқинлик қилиш сифатида қаралмоқда.

Ўз навбатида, яна бир муҳим ҳужжат — “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга қаратилган ҳуқуқий асос бўлди. Шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Албатта, буларнинг барчаси мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Эътироф этиш керак, ҳозирги вақтда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳиш-истаги ошиб, йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг сони кўпаймоқда. Бунинг сабабини уларга яратиб берилаётган имконият натижаси, десак янглишмаймиз. Чунки ҳудудларда аҳоли билан мулоқотларимиз давомида одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда айнан тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи омиллардан бирига айланганининг кўп бор гувоҳи бўляпмиз, кўряпмиз.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз давлат иқтисодий сиёсати самарадорлигининг бош мезони — мамлакат рақобатбардошлиги, фуқаролар ҳаёти сифати, оилалар фаровонлигининг изчил ва жадал юксалиши, деб билади. Макроиқтисодий барқарорликни, Давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Бунинг бирдан-бир самарали йўли — бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришдир.

Биз иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини бундан кейин ҳам самарали давом эттирамиз. Айниқса, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида электоратимиз бўлган тадбиркорлар таклифларини мунтазам ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор қаратамиз. Зеро, Конституция ва қонунлар устувор бўлган юртда адолат тамойиллари таъминланади, иқтисодий барқарорлик кафолатланади.

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН, МИНТАҚАВИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари ҳинд экспертлари нигоҳида.

Шу боис Ҳиндистон ва Ўзбекистон ёшлари ўртасида мунтазам алоқаларни ривожлантириш, қўшма тадбирлар, дўстлик фестивалларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда ишларнинг тўғри ташкил этилиши бошқа соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ривожига янада ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш лозим, деб ўйлайман. Ушбу механизм Андижон вилояти ҳамда Гужарат штати ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларнинг самарадорлиги билан ўзининг ижобий жиҳатларини яққол кўрсатди.

Санжай ПАНДЕЙ,
Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази таҳлилчиси, профессор:

— Ўзбекистон узоқ тарих, бой маданий меросга эга бўлган цивилизациялар ўчоғи ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, турли соҳалардаги улкан салоҳияти, минтақада олиб бораётган фаол, ташаббускор ташқи сиёсати туфайли, шубҳасиз, Марказий Осиёнинг энг етакчи мамлакати мавқеига эга.

Ўзбекистон томонидан сўнгги 4 йил давомида минтақада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган самарали саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга сазовор.

Жумладан, Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ташкил этиш борасидаги ташаббуси минтақа учун улкан тарихий аҳамиятга эгадир.

Қисқа вақт давомида минтақадаги бир неча йиллардан буён ўз ечимини топмаган муаммоларга чек қўйилди. Чегара ва ҳудуд муаммолари, минтақа сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларида эришилган келишувлар шулар жумласидандир. Қолаверса, темир йўл ва авиақатновлар, янги транспорт коридорлари ишга туширилди. Давлатларнинг савдо-иқтисодий соҳадаги мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиши натижасида минтақадаги ўзаро савдо айланмаси кескин ошди.

Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистон йўналишидаги ташқи сиёсатини ижобий баҳолайман. Сўнгги йилларда ушбу мамлакат билан икки томонлама муносабатларнинг ҳар жиҳатдан ривожлангани, Ўзбекистоннинг “афғон муаммоси”ни ҳал этишга қаратилган халқаро платформалардаги фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ушбу мамлакатда тинчликка эришиш йўлида қўйилган ўта муҳим қадам бўлди.

Транспорт коридорларини ривожлантириш, савдо-иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий сиёсатида устувор ўрин тутади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида ушбу ташкилот шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи илгари сурилди. Шубҳасиз, ушбу ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши Ҳиндистон манфаатлари учун ҳам бирдек хизмат қилади. Бу борада Ҳиндистон Эроннинг Чобаҳор портида фаоллик кўрсатмоқда ва Ўзбекистон билан ҳамкорликка тайёр эканини билдирган. Бу лойиҳа икки томонлама савдо ҳажмининг кескин оширилишида муҳим омил бўлади.

Раж ЯДАВ,
Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази доценти:

— Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича олиб борилаётган қатъий ислоҳотлар ва амалий қадамларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бу борада қўйидаги ўзига хос жиҳатлар ҳамда ютуқларга эътиборни қаратмоқчиман.

Биринчидан, ҳозирги коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган иқтисодий инқироз дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатаётган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиёти бу синовни бошқа давлатларга нисбатан енгилроқ ўтказмоқда. Бундан ташқари, етакчи халқаро ташкилотларга кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти йил якунида ўсиши прогноз қилинаётгани иқтисодий сиёсатга берилган холис баҳо, деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, Ўзбекистон экспорт таркиби ҳам маҳсулотлар ва бозорлар кесимида минтақанинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда кўпроқ диверсификациялашгани алоҳида эътиборга молик.

Учинчидан, сўнгги йилларда Ўзбекистон етакчи халқаро рейтинг агентликлари — “Fitch”, “Standard&Poor’s” ва “Moody’s” томонидан ижобий баҳо олгани, қолаверса, Жаҳон банкининг “Doing Business — 2020” рейтингида 69-ўринга кўтарилгани хорижий инвесторлар, шу жумладан, ҳиндистонлик тадбиркорлар учун берилган кафолат ҳисобланади.

«Дунё» АА.
Деҳли

ПОЙТАХТДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ НЕЧОҒЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

Кеча Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда олий таълим билан қамраб олинмаган ёшлар, жумладан, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини касбга ўқитиш ва иш билан бандлигини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати

Таъкидланганидек, бу йўналишда муайян ишлар бажарилган. Жумладан, пойтахтимизда 2020 йил давомида давлат ва нодавлат корхоналарига жами 2 минг 850 нафар ёш ишга жойлаштирилган. Тошкент шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан 483 нафар ёш касбга ўқитилган. Қолаверса, касбга ўқиш истагини билдирган 413 нафар 18 — 30 ёшлилар рўйхати маҳалла ва туманлар кесимида шакллантирилган. Касб-ҳунар ўрганишни хоҳлайдиган ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиши учун коллежларда касбга ўргатиш марказлари ташкил этилган. Айни чоғда Меҳрибонлик уйларини битираётган ҳар бир ўғил-қизни касб-ҳунарга ўқитиш ва иш билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилган.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ҳамда “SOS — болалар маҳалласи”да тарбияланувчилар учун “Уй-рўзғор академияси”, турли ихтисосликдаги фан ва спорт тўгараклари — IT технологиялари сабоқлари ва “Робототехника” машғулотлари учун алоҳида хоналар ташкил қилинган.

Йиғилишда соҳадаги айрим тизимли муаммолар ҳал этилмагани ҳам қайд қилинди. Масалан, Яшнобод туманида олий таълим билан қамраб олинмаган, бандлиги таъминланмаган ёшларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимининг бу борадаги ишлари фақат рақамларда акс этиши, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлимининг ушбу йўналишда амалга ошираётган ишлари етарли эмаслиги, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Шайхонтоҳур туманида жорий йилда ишга жойлаштирилиши режалаштирилган 1 минг 741 нафар ёшнинг ўтган 9 ой давомида бор-йўғи 314 нафари, яъни 18 фоизининг бандлиги таъминланган, холос. Чилонзор туманида ҳам бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас.

Юнусободдаги 23-Меҳрибонлик уйининг 37 нафар битирувчисидан 23 нафарига уй-жой ажратилмагани боис улар Меҳрибонлик уйида қолишга мажбур бўлган. 6 нафари эса ишга жойлаштирилмаган.

Меҳрибонлик уйи битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасида имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланган бўлса-да, Тошкент шаҳрида бу тоифа ёшларга кредитлар ажратилмаган, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлимлари томонидан тарғибот тадбирлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шунингдек, йиғилишда юртимизнинг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш, ўзини ўзи баҳолаш учун устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари асосида миллий индексларни ишлаб чиқиш вазифалари ижроси тўлақонли олиб борилмаётганлигига эътибор қаратилди. Алоҳида халқаро рейтинглар бириктирилган тадқиқот институтларининг бу борадаги фаолияти қониқарсиз, деб топилди.

Қолаверса, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашга масъул вазирлик ва идораларнинг ихтисослашган таркибий бўлинмалари фаолияти доирасидаги ҳужжатларни унификациялаш, намунавий шаклларини жорий этиш, мутахассисларнинг билими, малака ва кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича 2021 йилга мўлжалланган ташкилий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Халқаро рейтинг ва индекслар, уларнинг таркибий индикаторлари бўйича Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини тубдан яхшилашга йўналтирилган илмий ва амалий лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратилган мақсадли грантлар ажратиш механизмини жорий этишга келишиб олинди.

Якунда йиғилишда билдирилган таклифлар асосида кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТИББИЁТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Айниқса, соҳада амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назоратининг таъсирчан механизмларини татбиқ этиш муҳим. Бу, шубҳасиз, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Яна бир муҳим масала қўмита аъзолари диққат марказида бўлди. Чунончи, депутатларнинг жойларда ўтказиладиган учрашувлари чоғида тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотлар, суҳбатлар уюштириш, уларнинг иш фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Бу, таъкидлаб ўтилганидек, соҳа ходимларининг вазифа ҳамда функцияларини ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб белгилаш масаласи бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда соҳада кадрлар масаласи борасида ҳам тўхталиб ўтилди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 20 мингдан зиёд шифокор штатлари мавжуд бўлиб, атиги 12 минг мутахассис ишлаётганини қайд этди. Ходимларни рағбатлантириш, малакаси ҳамда лавозимини оширишга эътибор йўқ. Шу боис Президент шифокорларга муносиб шароитлар яратиш орқали уларни энг қуйи бўғин — қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади. Чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун “Қишлоқ шифокори” дастури жорий қилинадиган ва бу дастур асосида ишга жалб этилган шифокорлар бир марталик пул маблағи билан рағбатлантириладиган, уларга автомашина, уй олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари бериладиган бўлди. Мазкур дастурни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашда парламент аъзоларининг иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус — аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йилда 100 та қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилишидир, — деди Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова. — Бундай тиббий хизмат ноқулайликлар мавжуд бўлган ҳудудларда ҳам босқичма-босқич қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиникалар фаолияти йўлга қўйиладиган бўлди. Ушбу масалага биз, халқ вакиллари ҳам алоҳида эътибор қаратиб, биринчи навбатда, қайси ҚВП фаолиятини қайта тиклаш зарурлигини, қаерда оилавий поликлиника ташкил этишга эҳтиёж юқорилигини аниқлашда фаол иштирок этишимиз лозим.

Йиғилишда видеоселекторда белгилаб берилган вазифалар тўлақонли амалга оширилиши учун барча имкониятни самарали рўёбга чиқариш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди. Бу, таъкидланганидек, тиббий соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражасини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга олиб чиқади. Тиббий хизмат сифати ошиши, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи шаклланиши касалланиш, саломатлик кўрсаткичлари яхшиланишига, ногиронлик ва барвақт ўлимнинг олдини олишга, шу орқали аҳолининг умр кўриш давомийлиги узайишига, энг муҳими, миллат генофондини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз навбатида, Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари ўзлари бириктирилган ҳудудларда давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, мутасадди вазирлик ва маҳаллий ҳокимликларга киритиб бориш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасига оид қонунчилик ҳатловдан ўтказилиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш белгилаб олинди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ВА ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Шу ўринда айтиш жоиз, кўплаб мураккаб операциялар хориждаги клиникаларда амалга ошириляпти. Бу кўп маблағ ва вақт талаб қилади. Баъзи беморларнинг хориждаги клиникаларда даволаниши учун маблағи етишмаётгани ҳам бор гап. Лекин ҳар бир инсон учун жони ўзига азиз. Қандай бўлмасин даволанишга мажбур. Агар Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятлар марказларида, туманларда хусусий секторни жалб қилган ҳолда хорижий клиникаларнинг филиаллари ташкил этилса, бу муаммоларга барҳам берилиши, шубҳасиз.

Айниқса, йиғилишда айтилган қуйидаги фикрлар менга қаттиқ таъсир қилди. Қаранг, 2019 йилда юз берган ўлим ҳолатларининг 60 фоизи бирламчи бўғинда олдини олиш имкони бўлган юрак-қон томир касалликларига тўғри келаётир. Ёки онкология йўналишидаги беморларнинг ярмида касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқланган. Биринчи бўғинда тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги боис беморлар вилоят марказлари ҳамда пойтахтдаги клиникаларга боришга мажбур бўлмоқда.

Демак, бундай муаммоларни ҳал қилишда биз, депутатлар ҳам фаоллик кўрсатишимиз талаб этилади. Хусусан, жойларда, айниқса, вилоят ва туман марказларида хорижий клиникалар филиалларини тезроқ очиш ҳамда ишга туширилишида бош-қош бўлишимиз зарур.

Қолаверса, барчамизга аёнки, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллик орқали кўплаб касалликларни бартараф этиш мумкин. Шундай экан, аҳоли, айниқса, хотин-қизларимизни спортга, оммавий тарзда ташкил қилинадиган югуриш мусобақаларига жалб этиш, эрталабки бадантарбия машқларини бажариш кўникмасига ўргатиш ғоят муҳимдир.

Қисқа айтганда, тиббиёт соҳасининг бирламчи бўғинида босқичма-босқич хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши, шифокорларга яратилган шарт-шароитлар, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Аммо “қарс — икки қўлдан”, деганларидек аҳолининг ўзи ҳам соғлом турмуш тарзига риоя қилса, нур устига аъло нур бўларди.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН, БОНУСЛАР ВА СОҒЛОМ ҲАЁТ...

Янги Фармон яна нимаси билан муҳим?

Коронавирус каби янги касалликлар чақирувчи вируснинг одамларга таъсири кўплаб омилларга, масалан, аҳолининг демографик хусусиятлари, тиббиёт тизимининг бундай кутилмаган хатарларга тайёрлик даражаси ва бошқаларга боғлиқ. Бироқ амалиёт шуни кўрсатдики, инсон саломатлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, ҳар қандай вирусга қарши самарали курашади.

Акс садо

Бунинг учун аввало, шаҳарларимизда тоза ҳаво бўлиши керак, соғлом турмуш тарзи тарғиботига устувор аҳамият қаратишимиз, қолаверса, биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати юқори бўлиши ҳам талаб этилади.

Президентимизнинг шу йил 30 октябрда имзоланган “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам айнан шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Унга кўра, ушбу йўналишда Ҳукумат томонидан жиддий қадамлар қўйилиши белгиланган. Хусусан, юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ҳамда ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 104 миллиард сўмдан маблағлар ажратилади. Бу дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар давом этади.

Бу бежиз эмас. Мутахассисларнинг фикрича, кам ҳаракат турмуш тарзи инсон иммунитетига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ортиқча жисмоний юклама ҳам иммун тизимига яхши таъсир қилмайди. Шу боис юклама меъёрда бўлиши учун машғулотларни тўғри танлаш лозим. Хусусан, очиқ ҳавода кундалик пиёда юриш организмни чиниқтиради, чидамлилигини оширади, ҳатто қариш жараёнини ҳам секинлаштиради. Сабаби эса оддий: пиёда сайр пайтида қон томирлар бўйлаб янада жадал ҳаракатланади ва барча ички аъзоларни кўпроқ кислород билан таъминлайди. Бу эса бутун организмнинг ҳолатига ниҳоятда ижобий таъсир қилади. Бундан ташқари, пиёда юриш нафас олиш органлари учун ҳам фойдали, чунки бу жараёнда кўкрак қафасининг ҳаво ҳайдаш ҳажми ошади, фаол газ алмашинуви, организмнинг кислород билан тўйиниши содир бўлади. Асаб тизими тонуси меъёрга келиб, уйқу ва иштаҳа яхшиланади.

Мана шу каби жиҳатларни ҳисобга олиб, Фармонда аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида онлайн маконда “Соғлом турмуш тарзи” (www.1hls.uz) платформасини яратиш вазифаси белгиланди. Бунга Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ҳамда ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан ўтказиладиган бўлди.

Қолаверса, ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 миллион сўм қўшимча равишда платформадаги электрон ҳамёнига ташлаб берилади.

Бу, албатта, ҳамюртларимизнинг ҳаракатчан турмуш тарзига бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади. Давлатимизга ҳам кони фойда. Хусусан, коронавирусга чалинган бир нафар беморни даволаш давлатга ўртача 32 миллион сўм атрофида тушса, пиёда юришни кўпайтириш орқали белгиланган маблағни олиш ва соғлом бўлиш иккала томонга ҳам фақат фойда келтириши табиий.

Шуниси эътиборлики, “Соғлом турмуш тарзи” платформаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан IT-парк дирекцияси резидентлари билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар ишлаб чиқилади ҳамда доимий равишда техник қўллаб-қувватланади.

Ушбу ғоянинг энг муҳим жиҳати шундаки, у одамларга уларнинг ютуқларини кўрсатади ва танланган саломатлик йўлида янада катта ютуқларга эришишга ундайди, замонавий тил билан айтганда, мотивация беради.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони соғлом турмуш тарзига оид барча жиҳатни қамраб олган, десак муболаға эмас. Унда нафақат соғлом одамлар, балки ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам манфаатлари кўзда тутилган. Пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этишда алоҳида ҳаракатланиш имкониятлари яратилиши ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит” ташкил этилиши шулар жумласидан. Бу жуда муҳим чора, зеро, кўзларимизни қувнатувчи чиройли кўчаларимиз, янги спорт майдончалари, уйлар атрофидаги обод ҳудудлар — бу шунчаки туман ҳамда шаҳарлар безаги эмас, балки, аввало, ҳаёт учун қулай бўлган муҳит ва макондир. Унда ҳаракатланиш эса имконияти чекланган инсонларга ҳам қулай бўлиши лозим.

Мутахассислар томонидан исботланган ҳақиқат шундан иборатки, ёндош касалликларга эга инсонлар ҳар қандай ҳолатда соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшайдиган, жисмонан бақувват, руҳан тетик одамларга нисбатан касалликларни оғирроқ кечиради. Шундай экан, организмнинг мақбул ҳолатда бўлиши, аввало, ўзимизга боғлиқ. Бунинг учун бизга тақдим этилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланса, кифоя.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Амрилло ИНОЯТОВ, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:

— Бугун бирламчи бўғинда фаолият юритаётган шифокорларимизга 146 турдаги касалликка аниқ ташхис қўйиб, даволашни билиш, 213 турдагисига керакли таҳлилларни ўтказиб, бирламчи ташхисларни қўйиш ва йўлланма бериш, шунингдек, 250 турдаги касалликка реабилитация, диспансеризация ҳамда профилактика бўйича аниқ кўрсатмалар бериш вазифалари юклатилган.

Шу боис давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди. Келгусида янги қишлоқ врачлик пункти ҳамда оилавий поликлиникалар ташкил этиш бўйича ҳам алоҳида топшириқ берди.

Йиғилишда аҳолига тиббиётни янада яқинлаштириш мақсадида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш чоралари белгиланди. Ушбу шифокор ўзи масъул ҳар бир хонадонга кириб бориши, унинг ҳар бир аъзоси соғлиғи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши керак. Айни пайтда халқимизнинг саломатлигини фақатгина дори-дармон билан эмас, балки соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш асосида мустаҳкамлаш биринчи ўринга қўйилмоқда.

Шунингдек, Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида давлат тиббий суғуртаси ва тиббиёт кластерини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Албатта, биз ушбу топшириқ ҳамда кўрсатмаларни ўз вақтида ва самарали бажара олсак, тизимда бугунги кунда мавжуд кўплаб муаммоларга ечим топилади. Тиббиётимиз тараққиётнинг янги босқичига кўтарилади.

Абдулазиз ХОЖИБОЕВ, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалининг хирургия бўлими мудири:

— Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт соҳасига юксак эътибори касб байрамимиз муносабати билан йўллаган табригида ҳам яққол намоён бўлди. Глобал пандемия билан боғлиқ бугунги мураккаб шароитда соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг кўнглини кўтарди, руҳига қувват бўлди.

Президентимиз томонидан 6 ноябрь куни ўтказилган ведеоселектор йиғилишида тиббиёт соҳасига яна бир бор жиддий эътибор қаратилди. Зиммамизга ниҳоятда нозик вазифалар юклатилганини янада теран англаб олдик, десак адашмаймиз.

Юртбошимиз кўрсатмалари асосида умумий амалиёт шифокорининг ҳақиқий оилавий шифокорга айлантирилиши халқимиз узоқ йиллардан буён кутаётган катта ўзгариш бўлади. Бинобарин, аҳоли саломатлигини асрашда олдиндан ўтказилган профилактик тадбирлар самараси ниҳоятда юқоридир. Чунки беморни даволашга қараганда, дарднинг олдини олиш 20 баробар кам харажат талаб қилади.

Фалсафада "Ҳамма унутилган нарса янгиликдир" деган тушунча бор. Кўп йиллик ҳаётий тажрибамга таяниб шуни айта оламанки, бир пайтлар аҳоли йилига икки маротаба мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиларди. Бугун ана шу жараёнлар эътибордан четда қолди. Шунга кўра, чекка қишлоқларга туман ва шаҳар марказларидан тажрибали шифокорларни амалиётга юбориш лозим. Токи уларнинг билими ҳамда салоҳияти у ерда ишлаётган шифокорлар учун мактаб бўлсин.

Йиғилишда қишлоқ жойларидаги беморнинг аҳволини ўша ердаги маҳаллий шифокоргина яхши билади, деган ҳаққоний фикр айтилди. Ростдан ҳам одамлар дардига фақатгина қоғоздаги хулосаларга қараб эмас, балки уларнинг қалбига қулоқ солиб ташхис қўйиш ниҳоятда самаралидир. Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, биз ҳам ишимизни янги талаблар асосида ташкил этамиз.

Хуршид ФОЗИЛОВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

— Давлатимиз раҳбари табригида ҳам, видеоселектор йиғилишида ҳам соғлиқни сақлаш тизими ривожини янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, йиғилишда ҳар бир ҳудуддаги касалликлар таркибига қараб, ихтисослаштирилган даволаш муассасалари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ҳудудий шифохоналар билан боғлаш, телемедицина орқали тажриба алмашинувини ривожлантириш, касалликлар тури ва динамикасидан келиб чиқиб, жойларда ихтисослаштирилган марказнинг минтақавий филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Берилган вазифалардан келиб чиқиб, тизимимизда мобиль гуруҳлар ташкилотини белгилаб олдик. Бу гуруҳлар билан вилоятларга, туманларга чиқиб тиббий кўриклар ўтказамиз. Жойларда тиббий қабулхоналар ташкил қилинади. Шу билан бирга, етук мутахассислар томонидан мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади, юқори технологик операциялар, ташхисларни йўлга қўйишга имкониятлар яратилади.

Йиғилишда ҳар бир вилоят кесимида касалланиш турига, сонига қараб, ушбу ҳудудда илғор хорижий клиникалар филиалларини очиш топшириғи берилди. Бу ҳам республикамизда рақобат муҳитини яратади, ҳар бир шифокорни ўз устида ишлашга ундайди, масъулиятини оширади. Пировардида, юртимизда ихтисослаштирилган тиббий хизмат сифати янада юксалади.

Илҳом НУРАЛИЕВ, шифокор (Қарши шаҳри):

— Президентимиз бизга ниҳоятда самимий табрик йўллади. Бундан ҳамкасбларимиз ғоят хурсанд бўлгани, шубҳасиз. Энг асосийси, бу, бизга куч-қувват, ғайрат, шижоат беради.

Халқимиз бошига келган коронавирус балосини бартараф этишда 100 мингдан зиёд шифокорларимиз жасорат ва матонат билан меҳнат қилмоқда. Қандай ҳолат бўлмасин, беморларни даволаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бизнинг шарафли вазифамиз ҳисобланади. Зеро, бу касбни ўзимиз хоҳлаб танлаганмиз. Президентимиз табригида бу борада қилаётган меҳнатларимиз ҳам алоҳида эътироф этилди. Саломатлик посбонлари бугунимиз қаҳрамонларига тенглаштирилди. Бу, биз учун олий мукофот, десам муболаға эмас.

Юртимизга "тождор" вирус кириб келган илк даврларданоқ шифохонада беморлар билан бирга бўлдим. Ойлаб уйга бормаган пайтлар ҳам бўлди. Мана шундай мураккаб шароитда Президентимизнинг, халқимизнинг қўллаб-қувватлови, беморларнинг ишончи бизга сабр-матонат, куч берди. Табрикда айтилган фикрлар, байрам арафасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳани янги босқичга кўтариш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар биз, шифокорлар зиммасига улкан масъулият ва вазифалар юклаш билан бирга, ишимизни янги асосда ташкил этиш, самарадорликни янада оширишда йўл кўрсатувчи муҳим дастур бўлади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерация томонидан "Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари: Федерациянинг 2016 — 2020 йиллардаги фаолияти ва миллий тараққиётнинг замонавий босқичида касаба уюшмаларининг устувор вазифалари" мавзуида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи олдидан ўтказилган мазкур тадбирда журналистларга мавзу бўйича батафсил маълумот берилди. Хусусан, охирги тўрт йилда Президентимиз бошчилигида барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, халқимиз турмуш даражасини ошириш, одамлар эртага эмас, айнан бугун яхши яшашини таъминлаш каби эзгу амаллар мужассамлиги қайд этилди.

Юртимизда олиб борилаётган бу саъй-ҳаракатларга касаба уюшмалари ҳам камарбаста бўлмоқда. Буни жамоат тузилмасининг охирги беш йилликдаги фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Аввало, унинг меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган қонунчилик асосини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштиришга йўналтирилган фаолиятига эътибор бериш ўринлидир. Ана шу мақсадда Федерация томонидан 2 мингдан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегишли тавсия ҳамда таклифлар берилди. Қолаверса, 2019 йили Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ўша йилнинг 6 декабрида Президентимиз томонидан имзоланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Ҳукумат, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилар конфедерацияси ўртасида ҳар уч йилда бир марта имзоланадиган Бош келишув ҳам ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2017 — 2019 йиллар учун имзоланган Бош келишув қатор масалаларга ечим топиш имконини берди. Яқин йилларга, яъни 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Бош келишувда эса бир қатор долзарб вазифалар киритилган бўлиб, бу ҳам соҳадаги ишларнинг самарадорлигига замин яратади.

Бош келишувдан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий, республика миқёсида 107 келишув ва корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда 111,5 минг жамоа шартномаси мавжудлигини инобатга олсак, меҳнаткашлар манфаати борасидаги ишлар кўлами ва самараси нечоғли бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Тадбирда касаба уюшмаларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламлари ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш, бандлигини таъминлашда давлат органлари билан ижтимоий шериклиги фаоллашганига ҳам урғу берилди. Мисол сифатида 2017 йилда жамоат ташкилотлари кўмагида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги 2 миллион 160 мингдан зиёд хонадонларга борилиб, уларда мавжуд 650 мингга яқин муаммолар ўрганилди. Муҳими, уларнинг ечими бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этиш борасида эришилган натижаларда ҳам касаба уюшмаларининг салмоқли улуши борлиги таъкидланди.

Конференцияда, шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятига кирадиган бошқа йўналишларда охирги беш йилда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва натижалар ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ИЛҒОР ТАЖРИБА

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИМИ?

Олмалиқда куз-қиш мавсумида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида пойтахтнинг Юнусобод туманида ташкил қилинган Бошқарув сервис компанияси иш тажрибаси оммалаштирилди.

Долзарб мавзу

Шаҳар ҳокимлиги томонидан илгари сурилаётган бу услуб қандай? Унинг амалдаги уй-жой мулкдорлари ширкатидан фарқи нимада? Бугун Тошкент вилоятида ягона саналаётган мазкур янги тамойил Олмалиқдаги мавжуд **674 та** кўп қаватли уй-жойда истиқомат қилаётган аҳоли ишончини оқлайдими?

Яқинда шаҳар ҳокими Қобил Ҳамдамов раҳбарлигида тегишли соҳа мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар иштирокида ўтган медиа-турда бу каби саволларга батафсил жавоб берилди.

Шаҳар ҳокимлиги тақдим этган маълумотларга кўра, бугунги кунда **355 та** тураржойга **37 та** хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва Бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. 306 та уй эса "Олмалиқ КМК" АЖ тасарруфида бўлиб, 13 та кўп қаватли тураржой биноси ширкатга аъзо бўлмаган "мустақил уйлар" мақомини олган.

Қайд этилишича, аҳоли тураржойларини 2020-2021 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун манзилли дастур шакллантирилган. Унга кўра, 18 та кўп қаватли бинони жорий ва мукаммал таъмирлаш учун тижорат банкларининг **904 миллион** сўм маблағлари йўналтирилиши кўзда тутилган эди. Бироқ пандемия даврида аҳолининг тўлов қобилияти пасайганлиги туфайли ширкатларнинг иқтисодий салоҳияти тушиб кетди ва банклардан олинган кредит маблағларини қайтариш имконияти чеклана бошлади. Натижада шаҳардаги айрим тижорат банклари ширкатларга кредит ажратишни тўхтатди.

Бундай йўл тутилишининг бошқа сабаблари ҳам бор. Шаҳар ҳокимининг таъкидлашича, айни кунда мавжуд ширкатлар "қулоғи"гача қарзга ботган. Аҳолидан йиғиб олинган тўловлардан мақсадсиз фойдаланиш фактлари ҳам мавжуд. Бунинг устига ширкатлар ўтган йилларда тижорат банкларидан олган кредит маблағларини ўз вақтида қайтармаган. Оқибатда бугун уларнинг молия муассасаларидан қарздорлик суммаси 13 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Айни пайтда шаҳар аҳолисининг ширкатлардан муддати кечиктирилган қарзлари миқдори 2 миллиард сўмдан зиёд. Мутасаддиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир йилда аҳолидан 7 миллиард сўм атрофида тўловлар йиғилиши мумкин. Демак, ширкатлар банклардан олинган қарзларни қоплаши учун ропа-роса икки йил вақт керак бўлади. Хўш, бунга молия ташкилотларининг сабри етармикан?

Аслида, Олмалиқда тажриба тариқасида Бошқарув сервис компаниясининг жорий этилишидан мақсад ҳам ширкатлар йўл қўйган камчиликларни бартараф қилиш, маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини йўқотиб, улар зиммасидаги қарздорликни тугатиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш орқали одамлар ишончини оқлашдан иборат.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга роппа-роса бир ой бўлди, — дейди "Олмалиқ коммунал сервис" профессионал бошқарув компанияси раҳбари Толиб Қаҳҳоров. — "Олтин водий" "Яхши ният", "Содиқ сервис", "Самандар сервис", "Акромбек престиж", "Олмалиқ коммунал" сингари ширкатлар компаниямизга бириктирилди. Сабаби уларнинг зиммасида 650 миллион сўмдан зиёд қарздорлик мавжуд. Қолаверса, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳам ниҳоятда паст. Ширкатлар компаниямиз таркибида қайта оёққа туриб, банклар олдидаги кредит қарздорликлари босқичма-босқич бартараф этилади.

Бу янги иш услубининг яна бир афзаллиги шундаки, аҳолига 24 соат давомида хизмат кўрсатилади. Бунинг учун куну тун ишлайдиган махсус бригадалар ташкил этилган. Тураржойларнинг ертўла қисми ва хонадонлардаги мавжуд носозликларни бартараф этишда фойдаланиладиган барча сантехника воситаси ҳамда бутловчи қисмлар ширкатлар давридагидек бозордан эркин нархларга эмас, балки бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналардан харид қилинади. Албатта, бу аҳолига арзон хизматлар кўрсатиш имкониятини яратади.

Хўш, янги тизим ўзини оқлайдими? Шаҳардаги кўп қаватли биноларда истиқомат қилувчиларга кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати таъминланадими? Буёғини энди вақт кўрсатади.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

INVITATION FOR BIDS

Loan/Grant No. and Title: P48025-004-UZB: Central Asia Regional Economic Cooperation (CAREC) Corridor 2 (Pap — Namangan — Andijan) Railway Electrification Project - Additional Financing
Contract No. and Title: AAX-01, Design, Supply and Installation of Traction Substations and Transformers; Signaling, Telecom and SCADA Systems; and Video Surveillance System
Deadline for Submission of Bids: 15.00 (Tashkent time) on 9 February 2021

1. The Republic of Uzbekistan has applied for financing from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost of CAREC Corridor 2 (Pap — Namangan — Andijan) Railway Electrification Project-Additional Financing. Part of this financing will be used for payments under the contract named above. Bidding is open to Bidders from eligible source countries of ADB.

2. The Joint-Stock Company «O'zbekiston Temir Yo'llari» («the Employer») invites sealed bids from eligible Bidders for the construction and completion of the following lots («the Facilities»):

Lot 1. Traction Substations and Transformers
Lot 2. Signaling, Telecom and SCADA Systems
Lot 3. Video Surveillance System

3. Open competitive bidding will be conducted in accordance with ADB's Single-stage, One-envelope procedure and is open to all eligible Bidders from eligible countries as described in the Bidding Document.

4. Only eligible Bidders with the following key qualifications should participate in this bidding:

● Submission of audited financial statements or, if not required by the law of the Bidder's country, other financial statements acceptable to the Employer, for the last 3 years to demonstrate the current soundness of the Bidder's financial position. As a minimum, the Bidder's net worth for the last year calculated as the difference between total assets and total liabilities should be positive.

● Minimum average annual turnover for the last 3 years, the following lots calculated as total certified payments received for contracts in progress or completed:

(a) Lot 1: $11.1 million;
(b) Lot 2: $40.0 million;
(c) Lot 3: $6.7 million;

● Financial situation:

The Bidder must demonstrate that its financial resources less its financial obligations for its current contract commitments meet or exceed the total requirement for the Subject Contract of:

(a) Lot 1: $1.85 million
(b) Lot 2: $6.6 million
(c) Lot 3: $0.8 million

● Successful completion within the last 5 years of at least two similar contracts, where the value of Bidder's participation exceeds:

(d) Lot 1: $11.84 million
(e) Lot 2: $40.0 million
(f) Lot 3: $4.0 million

● Experience in the following key activities:

(a) Lot 1: Design, supply and installation of at least one traction substation and transformers for major railway systems

(b) Lot 2: Design, supply and installation of at least one signaling, telecommunication and SCADA system for major railway systems

(c) Lot 3: Design, supply and installation of at least one integrated video surveillance system for railways.

5. To obtain further information and inspect the Bidding Documents, Bidders should contact:
The JSC O'zbekiston Temir Yo'llari (Uzbek Railways UTY)
Attention: Mr. A.M. Djuraev, Head of PIU, Room 340
4 Amir Temur str., Tashkent 100060, Uzbekistan
Fax 71-236-49-20
Phone 71-236-48-02
E-mail: utypiu@gmail.com

6. To obtain the Bidding Documents in English, eligible Bidders should:

● Visit https://www.tenderlink.com/adb and register for an account (free of charge);

● Locate the notice in Tenderlink by searching for AAX-01, Design, supply and installation of Traction Substations and Transformers; Signaling and Telecom and Installation of SCADA; Video Surveillance System; and

● Click Download the tender documents for this notice found at the bottom of the notice.

7. Submit your bid:

● Electronically through the web portal https://www.tenderlink.com/adb

● on or before the deadline: 15.00 (Tashkent time) on 9 February 2021

● together with a Bid Security/Bid-Securing Declaration as described in the Bidding Document.

Late bids and hardcopy submission will not be accepted.

Bids will be opened immediately after the deadline. Bidders will have the option to attend the electronic bid opening via an online conferencing system. The link to the virtual opening will be sent to the bidders seven days prior to the opening.

8. A Pre-Bid meeting will take place at 15.00 (Tashkent time) on 14 December 2020 via Zoom. All bidders who officially received bidding documents will receive a link 7 days prior to the meeting.

INVITATION FOR BIDS

Loan/Grant No. and Title: P53271-001-UZB: Central Asia Regional Economic Cooperation (CAREC) Corridor 2 (Bukhara — Miskin — Urgench — Khiva) Railway Electrification Project
Contract No. and Title: BX-02, Design, supply and installation for Data Transmission Infrastructure: Lot 1: Signaling and Telecoms; Lot 2: SCADA
Deadline for Submission of Bids: 09 February 2021

1. The Republic of Uzbekistan has applied for financing from the Asian Development Bank (ADB) and Asian Infrastructure Investment Bank (AIIB) toward the cost of CAREC Corridor 2 (Bukhara — Miskin — Urgench — Khiva) Railway Electrification Project. Part of this financing will be used for payments under the contract named above. This invitation is open to all eligible Applicants and Bidders without nationality restrictions.

2. The Joint-Stock Company «O'zbekiston Temir Yo'llari» («the Employer») invites sealed bids for the construction and completion of the following lots («the Facilities»):

Lot 1. Signaling and Telecoms
Lot 2. SCADA

3. Open competitive bidding will be conducted in accordance with ADB's Single-stage, One-envelope procedure and is open to all eligible Bidders as described in the Bidding Document.

4. Only eligible Bidders with the following key qualifications should participate in this bidding:

● Submission of audited financial statements or, if not required by the law of the Bidder's country, other financial statements acceptable to the Employer, for the last 3 years to demonstrate the current soundness of the Bidder's financial position. As a minimum, the Bidder's net worth for the last year calculated as the difference between total assets and total liabilities should be positive.

● Minimum average annual turnover for the last 3 years of the following lots calculated as total certified payments received for contracts in progress or completed:

(a) Lot 1: $24.6 million
(b) Lot 2: $4.0 million

● Financial situation:

The Bidder must demonstrate that its financial resources less its financial obligations for its current contract commitments meet or exceed the total requirement for the Subject Contract of:

(a) Lot 1: $4.1 million
(b) Lot 2: $0.66 million

● Successful completion within the last 5 years of at least two similar contracts, where the value of Bidder's participation exceeds:

(a) Lot 1: $20.5 million
(b) Lot 2: $4.0 million

● Experience in the following key activities:

Lot 1:

(a) Design, supply and installation of at least one Signaling System for high-speed railway (at least 250 km/h)

(b) Design, supply and installation of at least one Telecommunications System for highspeed railway (at least 250 km/h)

Lot 2. Design, supply and installation of at least one SCADA system for high-speed railway (at least 250 km/h)

5. To obtain further information and inspect the Bidding Documents, Bidders should contact:
The JSC "O'zbekiston Temir Yo'llari 2
Attention: Mr. A.M. Djuraev, Head of PIU-ET, Room 306 4 Amir Temur str., Tashkent 100060, Uzbekistan
Fax 71- 236-49-20
Phone 71-236-48-02
E-mail: utypiu@gmail.com

6. To obtain the Bidding Documents in English, eligible Bidders should:

● Visit https://www.tenderlink.com/adb and register for an account (free of charge);

● Locate the notice in Tenderlink by searching for BX-02, Design, supply and installation for Data Transmission Infrastructure: Lot 1: Signaling and Telecoms; Lot 2: SCADA; and

● Click Download the tender documents for this notice found at the bottom of the notice.

7. Submit your bid:

● Electronically through the web portal https://www.tenderlink.com/adb

● on or before the deadline: 09 February 2021, 15.00 Tashkent time

● together with a Bid Security/Bid-Securing Declaration as described in the Bidding Document.

Late bids and hardcopy submissions will not be accepted.

Bids will be opened immediately after the deadline. Bidders will have the option to attend the electronic bid opening via an online conferencing system. The link to the virtual opening will be sent to the bidders seven days prior to the opening.

8. A Pre-Bid meeting will take place at 15.00 (Tashkent time) on 15 December 2020 via Zoom. All bidders who officially received bidding documents will receive a link 7 days prior to the meeting.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 10 ноябрь

«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»:

ЖАҲОН САҲНАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР СОДИР БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА?

1 Ушбу зарурий жараённи рўёбга чиқариш ва минтақаларо интеграцион алоқаларни ривожлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикаси “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси ташаббусини илгари сурмоқда.

Ўтган йили Хитой пойтахти Пекинда “Бир макон, бир йўл” деб номланган халқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Халқаро ҳамкорлик алоқаларни ривожлантиришга бағишланган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Асл муддао нимага қаратилган?

“Бир макон, бир йўл” лойиҳаси учта қитъада жойлашган 60 та давлатни қамраб олади. Лойиҳа 10 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Сиандан бошланиши белгиланган. Бу шаҳарни хитойликлар цивилизация бешиги сифатида кўришади. Бир вақтлар сайёрамизнинг энг йирик шаҳри бўлган Сиан минг йиллар давомида Хитойнинг пойтахти вазифасини ўтаган.

Лойиҳага кўра, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европанинг айрим минтақалари молия билан таъминланади. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, янги Буюк Ипак йўлининг ташкил қилинишидан Хитойни жаҳондаги етакчи давлатлардан бирига айлантириш кўзланган. Шунингдек, “осмон ости мамлакати”нинг Осиё — Тинч океани минтақасида ҳам нуфузи ортади ҳамда минтақадаги сиёсий ва иқтисодий таъсири кенгаяди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Хитой ўзининг темир йўл ва қурилиш компаниялари хорижга чиқишидан манфаатдор ҳисобланади. Россия — Хитой ҳукуматлари темир йўл масаласида бир қатор лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқмоқда. Ҳозирги кунда Хитой Пекин — Лондон йўналишида тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш бўйича ҳам бош қотирмоқда. Агар бу лойиҳа амалга ошадиган бўлса, у ҳолда йўловчилар атиги икки кун ичида Лондондан Пекинга ёки Пекиндан Лондонга етиб олишлари мумкин бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хитой бундан аввал дунёда энг узоқ масофали юк поезди йўналишини ишга туширган эди. Бу йўналиш мамлакат шимоли-шарқидаги Харбин шаҳри ва Германиянинг Гамбург шаҳрини ўзаро боғлайди. Хитойга тегишли “SHRC” (China railway construction) давлат корпорацияси Калифорнияга қадар ўта тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Лойиҳанинг қиймати 68 миллиард долларга тенг экани айтилмоқда.

2014 йилда Африка Иттифоқининг Аддис-Абебадаги қароргоҳида нутқ сўзлаган Хитой Давлат кенгашининг бош вазири Ли Кесян ўз мамлакати Африка қитъаси давлатлари пойтахтларини ўзаро боғловчи қитъалараро тезюрар поездлар қатновини ишлаб чиқиш режасини қўллаб-қувватлашини билдирган эди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, ҳозирча Африка мамлакатларини боғловчи темир йўл тармоғи мавжуд эмас. Бундан 100 йил аввал Буюк Британия ва Франция Африкада темир йўл тармоғини яратиш масаласини муҳокама қилган, аммо у амалга ошмай қолган эди.

“Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган транспорт йўлаги Австралия ва Индонезияни, Осиё мамлакатларини Европа, Африка ва Лотин Америкаси орқали АҚШ билан боғлайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, янги Ипак йўли сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини, тўғрироғи, 4,4 миллиард киши истиқомат қиладиган мамлакатларни қамраб олади. Янги Ипак йўлининг қуруқликдаги қисмида учта темир йўл йўлаги барпо этилади. Шимолий йўлак Россия ҳудудларидан ўтади. Марказий ва Жанубий йўлак эса Марказий ва Ўрта Осиё мамлакатлари ҳудудларидан ўтиши режалаштирилган.

Кейинчалик темир йўл йўлакларига автомобиль йўллари ҳам қўшилади. Янги Ипак йўлининг асосий йўналиши Ўрта Осиёдан ўтади. Бу йўлакнинг узунлиги 6 минг 500 километрни ташкил қилиб, унинг 4 минг километри Хитойнинг Тинч океани соҳилларидан Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасигача бўлган йўлдир. У ердан Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон орқали Эрон, Ироқ, Сурия ва Туркияга боради. У ёғи эса Европага бир қадам.

Денгиз йўли ҳам худди қадимги савдо йўли сингари Гуанчжоудан бошланади ва Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Сингапур ҳамда Индонезия орқали Қизил денгизга чиқиб, Африкагача етиб боради. Янги транспорт йўлаклари Хитойдан ортилган юкларни қисқа муддатларда Европага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ташаббус негизида ички бозорнинг тўйиниши сабабидан бозор топа олмай қийналаётган Хитой ширкатлари учун Евроосиё мамлакатлари ҳудудида мультимиллиард долларлик инфратузилма лойиҳаларини вужудга келтириш, улар Хитойнинг оммавий банкларидан бериладиган имтиёзли кредитлар орқали Хитойдаги фирмалар томонидан барпо этилиши ётади, десак хато бўлмайди.

“Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг диққатга сазовор жойи шундаки, у нафақат қуруқлик ва денгизда, балки ахборот технологиялари соҳасида ҳам маркази Хитой бўлган ҳамкорликни таклиф этади. Хитой бу соҳада “Рақамли ипак йўли” қурилишини барча мамлакатлар билан биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Мазкур соҳада Хитойнинг “Huawei”, “ZTE”, “China Telecom”, “China Mobile” ширкатлари аллақачон дунёга танилиб улгурган.

Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси дунё мамлакатлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу лойиҳа тафсилотлари тадқиқ этилиши, воқеалар ривожи синчковлик билан кузатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Энг муҳими, биз учун “Бир макон, бир йўл” қайси ўринда фойдаю, қайси ўринда зарар — шуларни эътибордан қочирмаслик лозим.

Коронавирус пандемияси шароитида, ушбу лойиҳанинг ривожланиш жараёнларидаги замонавий муоммоларнинг таркиби ўзгариб боради. Лойиҳанинг ривожланиш тенденцияси эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий инқироздан чиқиш стратегияларига боғлиқ бўлади.

Хитой ва Марказий Осиё транспорт коридорларининг логистик тараққиёти хусусиятлари

Хитой ва Марказий Осиё транспорт коридорларининг ривожланиши ҳамда логистик имкониятларнинг кенгайиб бориши икки йирик минтақа учун улкан истиқболларни очади. Минтақаларнинг чегаравий ҳолати ва узоқ йиллик муштарак тарихи ушбу мамлакатларни ягона логистик тизим остида бирлаштириш имкониятини беради.

Минтақани ривожлантиришга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2018 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирда ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни барча муҳим соҳалар бўйича ривожлантириш тенденциялари ҳақида сўзлади ва Марказий Осиё бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Давлат раҳбарининг асосий ташаббусларидан бири — Марказий Осиё бўйича БМТ резолюциясини қабул қилиш таклифи халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди, 2019 йилда БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлик” резолюциясини қабул қилди. Резолюцияда транспорт инфратузилмаси ва транзит йўлакларини ривожлантириш, янги автомобиль ва темир йўллар, авиақатновларни очиш орқали барча транспорт турларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида этибор қаратилган.

Марказий Осиёда мавжуд транспорт йўлакларини такомиллаштириш ва янгиларини шакллантириш долзарблигини эътироф этган ҳолда, давлатимиз раҳбари Самарқандда бўлиб ўтган тадбирда Тошкент шаҳрида транспорт йўлаклари бўйича халқаро конференцияни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Асосий мақсад — минтақанинг транзит салоҳиятини биргаликда ривожлантириш, халқаро транспорт йўлакларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, халқаро ташувлар жараёнидаги турли тўсиқларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий база ва тариф сиёсатини такомиллаштириш ҳисобланади.

Айрим маълумотларга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 22 минг километрга тенг. Қозоғистон энг йирик ва энг кўп фойдаланиладиган темир йўллар тизимига эга, унинг ҳиссасига минтақадаги темир йўлларнинг 66 фоизи ва барча юк ташишларнинг 84 фоизи тўғри келади. Минтақадаги темир йўлларнинг қарийб 18 фоизи Ўзбекистон ҳудудидан ўтади ва барча ташишларнинг қарийб 11 фоизи мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Туркманистон тахминан 12 фоиз минтақавий темир йўлларга эгалик қилади ва барча ташишларнинг 4 фоизини таъминлайди.

Хитой ва қўшни мамлакатлар бинан транспорт ташувлари осонлашиши ҳамда тезлашиши ҳисобига унга сарфланадиган харажат қисқаришига эришиш мумкин. Ўзбекистон мисолида олиб кўрадиган бўлсак, лойиҳа асосида инфраструктура объектлари яхшиланиши, янги йўллар барпо қилиниши ҳисобига барча иштирокчилар билан транспорт харажатларида ижобий ўзгариш содир бўлади.

Хусусан, Қирғизистон билан ташиладиган транспорт харажатлари 37 фоизгача, Қозоғистон билан эса 28 фоизгача қисқаришига эришиш мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар билан ҳам транспорт ва юк ташиш борасида харажатларни минималлаштириш имкони мавжуд. Хитой ҳукумати йўллар қурилиши ва янги инфраструктура иншоотларини барпо қилишда катта ташаббус кўрсатмоқда, молиявий маблағларни ўз зиммасига олишини таъкидлаб келмоқда.

Марказий Осиёда қўшимча юк ташиш оқимларини жалб этиш имконини берадиган янги транспорт ва транзит йўлакларини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиб, халқаро логистика марказлари тармоғини яратиш, минтақа транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг портларидан самарали фойдаланиш услубларини шакллантириш, Марказий Осиёда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини бирлаштирувчи муҳим транзит йўл бўлиб хизмат қиладиган ягона интеграциялашган тизимни яратиш масалалари минтақа учун долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг манфаати қаерда намоён бўлади?

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва дўстона муҳит шароитида транспорт лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистонни хорижий мамлакатларнинг, хусусан, Франкфурт, Милан, Брюссел, Вена, Сарагоса, Осло, Базел, Дубай, Теҳрон, Шанхай каби йирик логистика марказлари билан боғлайдиган “Навоий” халқаро интермодал логистика маркази фаолияти жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши ҳам фаоллашди. Мазкур лойиҳа ШҲТ макони учун долзарб аҳамиятга эга. Унинг амалга оширилиши лойиҳа иштирокчилари ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имконини беради. Ушбу темир йўл Хитойдан Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали Шарқий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига юк ташиш имкониятини яратиши туфайли Хитой юкларини Европа мамлакатларига етказишдан энг қисқа йўллардан бирига айланади ва бутун Марказий Осиё транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказий Осиёнинг стратегик келажаги ва истиқболлари минтақанинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистондаги ҳудудий жараёнларда фаол иштирок этишга бевосита боғлиқ. Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йилда Ўзбекистонга ташрифи доирасида “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилди. Янги линия Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб беришни 70 фоизга ошириш, яъни йилига 6 миллиард кВт/соатга етказиш имконини беради.

Афғонистон билан транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда трансафғон йўлаги доирасида янги темир йўлларини барпо этиш истиқболда Марказий Осиёнинг энг қисқа йўллар орқали Ҳинд океани ва Форс кўрфазидаги бандаргоҳларга чиқишини таъминлайди, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёни Европа ва Хитой бозорлари билан боғлайди.

Кейинги пайтларда минтақа мамлакатлари халқаро транспорт борасидаги имкониятларини кенгайтиришга доир саъй-ҳаракатларини фаоллаштирмоқда. Бугунги кунда Марказий Осиё орқали қатор халқаро транспорт йўлаклари ташкил этилмоқда. 2018 — 2023 йилларда Хитой ва Ғарбий Европани боғлайдиган “Евроосиё” транспорт йўлагини қуриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Ушбу магистраль Пекиндан бошлаб Остона, Москва ҳамда Минск орқали Берлинга қадар давом этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга бориб ушбу йўлак орқали йилига 37 миллион йўловчи ташилади.

Қозоғистон — Туркманистон — Эрон йўлагига келсак, 2018 йил май ойида Хитойдан ушбу йўналишда контейнерли поезд юрди. Ушбу масофани босиб ўтишга 2 ҳафтага яқин вақт кетди, бу денгиз йўлига қараганда ўртача икки баробар тез дегани. 2022 йилга бориб темир йўл орқали юк ташиш ҳажми йилига 15 миллион тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

“Шарқ — Ғарб” лойиҳаси Хитой ва Европа ўртасида транспорт алоқасини йўлга қўйишга қаратилган. Боку — Тбилиси — Қарс темир йўли ушбу транспорт йўлагининг муҳим бўғинидир. Мазкур лойиҳа Туркия ва Европадан Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Эронга мунтазам юк ташишни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Хитой учун лойиҳа бир неча омиллар туфайли жуда муҳимдир. Биринчидан, Шинжон-Уйғур мухториятининг иқтисодий ривожланишига туртки бўлади. Марказий, Шарқий ва Жанубий Хитойдан Европага контейнер поездларининг аксарияти Шинжон орқали ўтади. Ушбу вилоятнинг пойтахти Урумчи бўлиб, мазкур шаҳар Европага чиқадиган транспорт йўлагида муҳим логистик марказ ҳисобланади. Хитой ҳукумати Қашғардан иккита Ғарбий йўналишда Қирғизистон ва Ўзбекистонга, иккинчиси Жанубга темир йўл қурилиши масаласини муҳокама қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Покистон транспорт коридори, бу, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг энг муҳим лойиҳаси ҳисобланади. Ушбу лойиҳа Хитойни Марказий Осиё ва Жанубий Осиёдаги қўшнилари билан боғлайдиган, шу билан бирга, Яқин Шарқ ва Африкага борадиган муҳим кўприк бўлади.

Хитойни Арабистон денгизи ҳамда Форс кўрфази билан Покистон орқали боғлаб, савдо потенциалини кенгайтиради ва Хитойнинг нафақат минтақада, балки Африкагача Покистоннинг Гвадар порти орқали энергия ва хавфсизлик мавжудлигини оширади. Мазкур йўл, транспорт ва энергетика — автомобиль йўллари, кўприклар, газ қувурлари, портлар, темир йўллар, Покистонга энергия заводлари ва Хитойни назорат қилиш ва бошқаришда чуқур минтақавий хавфсизлик механизми билан таъминлаш асосида Хитой, Марказий Осиё, Покистон иқтисодиётини ривожлантирадиган пакет сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Илгари Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги юкларни Қирғизистон орқали ўтказиш учун саккиз кундан ўн кунгача вақт кетар эди, энди эса янги транспорт йўналиши боис бу атиги икки кунни ташкил этади. Янги коридорда ўзбек иплари, пахта толаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва мева шарбатлари Хитойга, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари, бутловчи буюмлар ва маиший техникалар қарама-қарши йўналишда олиб борилади. Сўнгги йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш туфайли Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми тез суръатлар билан ўсмоқда. 2018 йилда икки томонлама савдо ҳажми олдинги йилдагига нисбатан 48,4 фоиз ўсиб, 6,26 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Энди Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериги, энг йирик экспорт ҳамкори ва энг йирик импорт манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳукумати ташқи иқтисодий сиёсатида экспортга устувор аҳамият бераётгани сабабли Ўзбекистон компаниялари тобора кўпроқ Хитойнинг улкан истеъмол бозорида ўз улушини олишга интилмоқда.

Муҳими, транспорт каридори Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун яхши имконият яратган ҳолда, бошқа давлатларни ўз маҳсулотларини етказиб беришда ундан фойдаланишга жалб қилмоқда.

Узоқ муддатга мўлжалланган стратегиялар

2019 йил 19 сентябрь куни Хитойнинг транспорт соҳасидаги қувватини ошириш режаси эълон қилинди. Ҳужжат Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси ва Давлат кенгаши томонидан маъқулланди ҳамда мамлакат транспорт секторининг келажакдаги истиқболлари ва “Йўл харитаси”ни аниқ бир тамойиллар асосида тасвирлайди.

Унга кўра, 2035 йилга бориб Марказий Осиёда “йирик транспорт минтақаси” барпо этилиши режалаштирилган. Бу вақтга келиб транспорт тизими талабни тўлиқ қондириши ва мамлакатларни модернизациялашга хизмат қилиши керак. Иккинчи босқич — 2036 дан 2050 йилгача бўлиб, халқаро рақобатбардош транспорт тизимини яратиш тамойилларини ўз ичига олади ва 2050 йилга бориб, халқаро миқёсда инновацион транспорт тизими барпо этилади.

Хитойнинг транспорт тизими нафақат миқёси бўйича, балки техник жиҳозлар сифати, технологик инновацион қобилият ва тегишли касбий ишчи кучи, интеллектуал ва ақлли транспорт имкониятлари, атроф-муҳит шароити, транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳамда бошқарув лаёқати бўйича ҳам жаҳон миқёсида энг юқори талабларга жавоб бериши керак. Хитойнинг транспорт сектори учун умумий қўлланма сифатида у узоқ муддатли юқори даражадаги стратегик ва келишилган ривожланиш учун хизмат қилади. Шунингдек, у мамлакатнинг ўрта муддатли транспорт стратегиялари, келгуси беш йиллик режалари ҳамда келажакда миллий ва суб-миллий даражада амалга оширишнинг аниқ тамойиллари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Транспорт секторида инвестициялар, молиялаштириш ва бошқариш соҳасида чуқур ислоҳотлар давом этар экан, амалга оширишнинг келишилган механизми яратилади. Белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун қўллаб-қувватланадиган вазифалар шакллантирилади ва давлат томонидан маблағлар (масалан, молиявий ва сиёсий қўллаб-қувватлаш) илмий жиҳатдан тақсимланади. Янги стратегия табиий ресурслар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, молия тақсимоти ва бошқарув, шунингдек, солиққа тортиш, молия, инвестиция, саноат ва савдо билан боғлиқ сиёсат ўртасида янада юқори мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Ушбу сиёсат доирасида турли хил асосий ва пилот лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 2017 — 2021 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури амалга оширилмоқда. Дастур миллий транспорт тармоғини ривожлантириш соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган яхлит комплекс стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ҳудудий ва жаҳон бозорига олиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда ушбу стратегияни халқаро транспорт тизимига кенг интеграциялашни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда мамлакатимизда транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш учун барча зарур шароит яратилмоқда. Транспорт тизимининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, Ўзбекистон ҳудудидан ўтиш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ишлари амалга оширилаётир, бу эса Марказий Осиёда халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳам “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида иштирок этишдан манфаатдор ҳисобланади. Ўзбекистон Президентининг “2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Боку — Тбилиси — Ахалкалаки — Қарс темир йўли орқали ташқи савдо юкларининг дастлабки транзит ташувларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

“Шимол — Жануб” лойиҳасининг очилиши, маълумотларга қараганда, 2021 йилга мўлжалланган. Ушбу транспорт йўлаги Санкт-Петербург бандаргоҳини Эроннинг Бандар Аббос ва Чобаҳор бандаргоҳлари билан боғлайди, шу тарзда денгиз йўли Ҳиндистондаги Мумбай бандаргоҳига қадар узайтирилади.

Ушбу транспорт йўлаги Эрон орқали Форс кўрфази мамлакатларига юк ташиш жараёнини соддалаштириши туфайли Марказий Осиё учун долзарб аҳамиятга эга. Ҳар йили йўлак орқали 3 — 5 миллион тонна юкни транзит қилиш имконияти пайдо бўлади.

Мазкур транспорт йўлаги Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг июнь ойида Синдао шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммитида мамлакатимиз Мозори-Шариф — Ҳирот, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл линияларини қуриш, шунингдек, Марказий Осиё — Форс кўрфази, “Шимол — Жануб” ва “Шарқ — Ғарб” трансминтақавий йўлакларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Кейинги вақтларда жаҳон экспертлари ҳамжамиятида Хитой томонидан илгари сурилган “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг транспортга доир қисми хусусида кўп сўз юритилмоқда. Бу борадаги ишлардан, умумий қилиб олганда, жуда юқори натижалар кутиш мумкин.

Ўзбекистон ҳам “Бир макон,бир йўл” ташаббусини қўллаб-қувватлаши ва унда янада фаол иштирок этишдан манфаатдор. Маълумки, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси, аввало, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга, Хитойни жаҳон аҳолисининг 60 фоизи ва ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келадиган мамлакатлар билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини қуриш ва ишга туширишда “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги йирик транспорт лойиҳаларидан бири бўлади. Ушбу лойиҳани инновациялар билан бойитиш, хусусан, Буюк Ипак йўлини рақамлаштириш мақсадида рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда транспорт ва логистикага оид рақамли хизматлар жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий транспорт-коммуникация тизимини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳаларида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш юзасидан узоқ муддатли ва кўп томонлама ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратишга салмоқли ҳисса қўшишига умид билдирамиз.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Қўқон университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Қобилжон ИСАЕВ,
илмий изланувчи.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.45 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6